

Боқий фикр

Устоз, муаллим деганда, ҳар қайси ишон күнгілде түсінкүр хұрмат-әхтиром ва чексиз миннатдорлик туғызулары, шу білал бирга, ҳеч қандай бойлік билан ўлчаб, аді қыліб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Kuch – bilim va tafakkurda



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

МУРСАТ

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2016-yil 28-sentabr, chorshanba № 78 (8935)



БҮЮК МАҚСАДЛАРГА УНДОВЧИ МАСКАН

Ўзбекистон Миллий боги ва Алишер Навоий ҳайкали барпо этилганига қатта аср тұлды

«...Мен ишонаңын, Навоий ҳайкали, Навоий боги шаҳримизнинг, диәримизнинг эң гүёлд ва асосий зияреттоҳи бўлиб қолади.

Бу ер ишлар, асрлар давомында қатта ҳалқ тантаналари, қарияларимизга, ёш авлоди мизга, ҳалқимизга маълҳам, рухий мадад берадиган севимли ва мароқли бир оромдоҳа айланади, деган қатта умидим бор.

Бу бөг ижод аҳли учун илҳом ва камолот масканига айланып кетса, ажаб эмас...».

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов бундан йығрма беш йил аввал — 1991 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Миллий боғининг ҳамда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан мазкур бօғда барпо этилган ҳайкалнинг тантанали очилиши маросимида айтган бу сўзларни бугун ҳалқимиз, айниқса, зиёлларимиз катта ҳаяжон ва миннатдорлик билан эслайди.

(Давоми 5-бетда.)



Saylov — 2016

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ: ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта ҳозирлик күримоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 округ сайлов комиссияларида дастлабки мажlislar ўтказилиб, вазифалар белгилаб олинди.

Сайловнинг умумеътироф этилган ҳалқаро демократик стандартлар ва сайлов тўғрисидаги миллий қонунчиликка қатъий риоя килинган ҳолда ўтказилишида округ сайлов комиссиялари алоҳида ўрин тутади. Шу боис қонунга мувофиқ округ сайлов комиссияларида аъзоликка номзодлар дастлаб Коракалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Қенгашлари мажлислирида атрофлича муҳокама қилиниб, комиссиялар жамоатчилик ўртасида катта обрӯз-этиборга сазовор юртдошларимиздан иборат таркибда шакллантирилди.

— Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги бўлганинг Қоракалпогистон Республикасида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси қизғин паллага кирмокда, — дейди 1-Қоракалпогистон округ сайлов комиссияси раиси У.Жалменов.

— Округ сайлов комиссияси фаолиятини олиб бориши учун барча шарт-шароит яратиб берилди. Янги курилган ёшлар марказида ажратилган хоналар зарур техника воситалари билан тўлиқ таъминланган, комиссия аъзоларининг навбатчилиги ташкил этилиб, иш бошлаб юборилди.

(Давоми 2-бетда.)

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИМЗО ТҮПЛАШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2016 йилнинг 9 сентябрیدан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси расман бошланганини элон қилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга 2015 йил 29 декабрда кирилган ўзгартишиларга мувофиқ сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилар умуумий сонининг 5 фоизидан 1 фоизигача камайтирилди. Бу 214 минг 350 нафар сайловчи имзосини ташкил этади.

Шу кунларда мамлакатимизда фаолият кўрсатадиган барча сиёсий партиялар — Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбиларномалар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан сайловчилар имзосини тўплаш жараёни амалга оширилмоқда.

— Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчилар имзосини тўплаш учун имзо варақалари берилганидан сўнг, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкилотларида имзо тўплаш жа-

(Давоми 2-бетда.)



Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Эртасидан кўнгли тўқ ёшлар касб-хунар колледжидан ишлаб чиқариш корхонаси томон йўл олмоқда

Ситора болалигидан ер билан “тиллашиб”нинг хадисини олган. Унинг айниқса чорвачиликка меҳри ўзгача. Шунинг учун ҳам Ситора таълимнинг кейинги босқичини Ромитан кишлоп, ҳўжалиги касб-хунар колледжидан давом эттириди. Ўкув мусасасасида яратилган шарт-шароит ва имкониятлар интилувчан қизининг танлаган касбига бўлган меҳрини, келажакка ишончини янада ошириди, максадларини юксалтириди. Жорий йилда ўқишини тамомлаган Ситора Нарзиева чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилган бизнес лойиҳани ишлаб чиқиб, Миллий банкнинг Ромитан тумани филиалидан 13,5 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Айни пайтда ёш тадбиркор корамоллар сонини кўпай-



тириб, фермер ҳўжалиги қошида сутни қайта ишлаш цехини ҳам ташкил этишини режалаштираяти.

Бугун Бухоро вилоятида 8 та академик лицей ва 80 та касб-хунар колледж фоалият кўрсатадиган бўлиб, уларда 82 минг 243 нафар ўкувчи 126 мутахассислик

бўйича таҳсил олмоқда. Жорий йилда мавжуд касб-хунар колледжларини 27066 нафар ўкувчи тамомлади. Уларнинг бандлигини таъминлаш, барқарор иш ўрнларига эга бўлишига кўмаклашиш максадидаги ишлар изчил амалга оширилалагти.

(Давоми 3-бетда.)

раёни бошлаб юборилди, — дейди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаси ижроя кўмитаси девони бўлум бошлиғи Д.Рашидова. — Айни кунларда бу жараён қизғин паллага кирди. Имзо варақаларини тўлдириш тартиби ва бу борада қатъий амал қилинishi лозим бўлган жиҳатлар сайловчиларга тушунтирилмоқда. Қонунчиликка мувофиқ, сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиши, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиши ва имзо тўплаш конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ: ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Округ сайлов комиссиясининг биринчи мажлисида сайловчиларни сайлов кампаниясининг барча боқичлари хусусида мунтазам хабардор қилиб бориши, марказий ва вилоят оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди, — дейди 2-Андижон округ сайлов комиссияси раиси О.Мирзаев. — Округ сайлов комиссияси қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Андижон вилояти матбуот маркази ташкил этилди. Марказининг асосий вазифаларидан биро оммавий ахборот воситалари вакилларининг сайлов кампанияси жараёнлари билан boglik маълумотлардан фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратишдан иборатиди.

— Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилган биринчи мажлис ва унда қабул килинган қарорлар ҳақида ахборот берди. Мажлисида, хусусан, сайлов комиссияси аъзоларининг хизмат вазифалари тақсимоти, сайлов участкаларини тузишга тайёргарлик кўриш масалалари кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги конунинг жойлардаги ижросиниз назорат қилиш ва сайлов участкаларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида округ сайлов комиссияси аъзолари туманларга бириткирилди.

Округ сайлов комиссияларининг мажлисида очиқлик ва ошкоралини таъминлаш мухим аҳамиятига эга. Шу мақсадда ҳар бир округда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинглар ташкил этилиб, сайлов жараёнларининг бориши хусусида алоҳида эътибор берилмоқда.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизнинг барча ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурiga мувофиқ тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда.

ЎзА

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИМЗО ТЎПЛАШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Имзо тўглаши жараённи ўшқоқлик билан ўтказилмоқда, — дейди Тадбиркорлар ва ишбильармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижория кўмитаси раиси ўринbosari B.Екубов. — Партия марказий органлари томонидан имзо тўплаша жараённи ҳар жihatдан мукаммал ўтказиш, варақалар тўғри тўлдирилиши устидан назоратни йўлга қўйиш бўйича аниқ топшириклар берилган. Тадбиркорларни ўшқоқлик билан ўтказиш учун шаҳар ва туман партия кенгаши, бошлангич партия ташкилотлари имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишини кўллаб-куватлаш учун сайловчилар имзосини тўплаша ишлари ҳудудий, туман, шаҳар ва бошлангич партия ташкилотлари ва партининг «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қонотларидан иборат фаол партия аъзолари кўмагидаги амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий сайлов штаби раҳбари ўринbosari B.Юсупов. — Имзо тўплаша жараённи фаолларимиз сайловчилар билан гаплашиб, Президент сайловининг мамлакатимиз тараққиётни ва ҳалқимиз келажагини белгилашдаги аҳамиятини

кенг тушунтириш асосида партиямиз номзодини кўллаб-куватлашга етарили имзо тўплаши учун устав ва дастурларимизнинг аҳоли ижтимоий-иктисодий ҳаётидаги ўрни ва роли, партиямиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида кенг маълумотлар беришга эътибор қаратаялмиз.

— Мамлакатимизда сайловлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги конунларга мувофиқ ҳамда ҳалқаро демократик меъор ва қоидаларга амал қилинган ҳолда очиқлик, ошкоралик шароитида ташкил этилмоқда, — дейди Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгаши марказий аппарати бўлим мудири F.Эшонкулов. — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияга сайловчилар имзосини тўплаша учун имзо тўплашадиги варақалари берилган кунданоқ ушбу жараённи юкори савида ташкил этиш ва самарали ўтказиша додор тадбирлар бериланди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг барча мажлий ва ҳудудий ташкилотларда тузилган сайлов штаблари томонидан мазкур жараёнга ташкилотларни бошлангич бўйинлари, жойлардаги депутатлик гурӯхлари вакиллари кенг жаҳл этилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, тўпланаётган имзо варақалари топширилгач, Марказий сайлов комиссияси уларнинг тўғри тўлдирилганни текширади.

Б.БОЗОРОВ,
ўзА мухбири

ХАЛҚИМИЗНИНГ 96 ФОИЗИ ЎЗ ОИЛАСИНИ МУСТАҲКАМ ВА БАХТЛИ ҲИСОБЛАЙДИ

Халқимиз оиласи соёлни авлодни тарбиялаши, ҳаёт аба́дигиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган мажнавият кўргони, деб билади. Чунки инсон қалбида мажнавиятнинг илк куртаклари, аввало, оиласидаги мухим таъсирида намоён бўлади. Мажнавият инсон онгига ўйлар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар ўзити, Ватан туйгуси билан сингиб боради.

Бу жиҳатлар яқинда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг «Оила ва мажнавият» мавзууда ўтказган ижтимоий тадқиқотида яна бир бор ўз исботини топди. Тадқиқотдан мажсад мамлакатимиздаги оиласарларинг барқарор мажнавий-ахлоқий қадриятларини, унинг жамиятдаги анъанавий ижтимоий тузилма сифатидаги ривожланши оиласарларини аниқлаш эди. Бу оила институтини мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳар томонлама уйғун ривожлантирища миллий-умуминсоний қадриятларинг ўрни ва ролини белгилашда мухим аҳамиятга эга.

Тадқиқот катнашганларнинг 94,5 фоизи давлатимиз оиласарларни кўллаб-куватлашга катта эътибор кўрсататигина эътироф этган. Давлатнинг бундай эътиборини кўпчилик респондент мажнавий-ахлоқий қадриятларнинг моддий бойликларга нисбатан устунлигига кўради.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон оиласарларидаги ахлоқ шакланишига энг кўп таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар ҳам ўрганилган. Ўзбекистон оиласарларининг мажнавий-ахлоқий асосларини шакллантиришда оила (86,7 фоиз), маҳалла (52,1 фоиз), таълим муассасалари (48,2 фоиз), ижтимоий мухит (33,9 фоиз) ва телевиденининг (29,4 фоиз) устувор таъсири ҳақидаги фикр бир неча йиллик сўровлар мобайнида барқарор колмоқда.

Тадқиқот натижалари оила қуришда ахлоқий йўналишлар барқарор эканини кўрсатди. Масалан, мустақил ва баҳти оила барпо этиш шартларининг кўрсаткичлари ўзгаришса колмоқда. Улар орасида эр-хотининг ўзаро ишончи, бир-бираидан розилик биринчи ўринни эгаллайди. Иштирокчиларнинг фикрича, эр-хотининг ўзаро мухаббати, фарзандлар оила барқарорлиги ва мустакилларини белгиловчи мухим омилdir.

Мамлакатимиздаги кўпчилик оиласарларини жисмоний тарбиялашга катта эътибор беради. Бу ёшларда жисмоний тарбия ва спортга барқарор қизиқиши ҳамда этиёжини шакллантирилмоқда. Иштирокчи-

тадқиқот аксарият оиласарларда болаларни юксак мажнавий-ахлоқий қоидалар руҳида тарбиялашга катта эътибор бериладигани кўрсатди. Халқимиз фарзандлари онги-қалбига, биринчи навбатда, меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, ҳалоллик, Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдирмокда. Айни вақтда меҳнатсеварлик, миллий фурӯр ва ўзларни англаш тўйгусини ривожлантириш, кўнгил тозалиги, камтарлик, диний ва миллий багрикенглиг инсоннинг юксак ахлоқини белгилайди.

Ижтимоий сўров ёшлар ўтасида олий маълумот олишга интилиш ўсиб бораётганини яна бир бор исботлади. Бугун халқимизнинг ўз фарзандларини олий таълим муассасаларида ўқитиши имкониятлари анча ошган. Тадқиқот мамлакатимиз фуқароларининг аксарият фарзандлари замонавий шахслар бўлиб камолга етадиганинга қатъий ишонишни кўрсатди.

Мамлакатимиздаги кўпчилик оиласарларини жисмоний тарбиялашга катта эътибор беради. Бу ёшларда жисмоний тарбия ва спортга барқарор қизиқиши ҳамда этиёжини шакллантирилмоқда. Иштирокчи-

лар давлатимизнинг болалар спортини ва соглом турмуш тарзини ривожлантириш стратегиясини фаол маъқуллаган. Уларнинг фикрича, бу «Софлом она ва болайлиги» давлат дастурларидан ёрқин намоён бўлмоқда.

Сўров иштирокчилари-нинг мугла кўпчилиги (96,7 фоиз) оиласидаги ахломларга салбий муносабат билдирилган. Уларнинг фикрича, бу болаларнинг таълим-тарбияси ва келажигига салбий тасдиқатида.

«Оила ва мажнавият» мавзууда ўтказилган ижтимоий тадқиқот Ўзбекистон ахолиси учун оласа ишончи ҳаётий қадрият ва ёш авлодни тарбиялашни мумкин мескаларни юксак ахлоқини белгилайди.

Ижтимоий сўров ёшлар ўтасида олий маълумот олишга интилиш ўсиб бораётганини яна бир бор исботлади. Бугун халқимизнинг ўз фарзандларини олий таълим муассасаларида ўқитиши имкониятлари анча ошган. Тадқиқот мамлакатимиз фуқароларининг аксарият фарзандлари замонавий шахслар бўлиб камолга етадиганинга қатъий ишонишни кўрсатди.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказий маълумотлари асосида ўзА мухбири Умид Ёкубов тайёрлади.

2016-yil 28-sentabr, № 78 (8935)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Касб-хунар коллежларини битириб, катта ҳаётга кириб келаётган ёшпарни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, уларни иш билан таъминлаш долзарб ва-зиға саналади. Бу борада муайян натижаларга эришидик, — дейди вилоятини иктиномий-иктисодий ривожлантириш дастурлари доирасида битириувчи-ларни 10547 та лойиха асосида яратиладиган 27 мингдан ортиқ янги иш ўрнига ва 1525 та корхонада банд қилинган 4687 та (квота) иш ўрнига ишга жойлашириш ҳамда тижорат банклари томонидан 20 миллиард 525 миллион сўм имтиёзли кредитларни 1954 нафар ёшга бериш кўзда тутилган эди. Дастлабки сўровномалар натижасига кўра, битириувчиларнинг 19734 нафари ишга жойлашиш, 5378 нафари олий таълим мусассаларида ўқишни давом эттириш, 1954 нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдириган. Вилоят хокимининг тегишли қарори асосида касб-хунар колледжларига амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг фаолиятини янада яхшилаш, иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан доимий ҳамкорликни йўлга кўйиш ҳамда барқарор иш ўрниларни ташкил этиш учун корхона ва ташкилотларни битириувчиларга бириктириш борасида аник чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Таълим мусассаларига буюртмаларни шакллантириш, ўкувчиларнинг амалиётини ташкил этиш ва уларни барқарор иш билан таъминлаш мақсадида мутахassisliklar бўйича 37 та ишчи гуруҳи тузиленган. Мазкур саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, касб-хунар колледжлари битириувчиларининг 2793 нафари саноат соҳасидаги 993 та, 3756 нафари савдо ва хизмат кўрсатиши соҳасидаги 2127 та, 3283 нафари таълим соҳасидаги 1733 та, 2137 нафари соглини саклаш соҳасидаги 410 та, 8988 нафари қишилк ҳўжалиги соҳасидаги 5163 та, 1842 нафари курилиш соҳасидаги 633 та, 1454 нафари транспорт соҳасидаги 629 та, 2482 нафари ўрмон ҳўжалиги, маданият, иктиномий таъминот, уй-жой коммунал ҳўжалиги ва бошқа соҳадаги 1406 та корхонага бириктирилди. Айни пайдада 21816 нафар ўрнинг бандлиги таъминланди. Уларнинг 20826 нафари тўрт томонлама шартнома асосида ишга жойлашган бўлса, 990 нафари юртимиздаги олий таълим мусассалари талабаси бўлди. Колган 4266 нафари ишга жойлашиш арафасида.

Коллеж битириувчилари-ни иш билан таъминлашда жойларда ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари ва кўргазмалар ҳам мухим ўрин тутмоқда. Бир қатор ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорликда ўтказиладиган тадбирлар аноссида кўплаб ўкувчilar муқим иш ўрнига эга бўлмоқда. Жумладан, шу йил апрель ойида Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар колледжида ташкил этилган "Таълим ва мутахassislik" кўргазмаси ҳам

тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилди. Айни шу жараёнда касб-хунар колледжларининг 418 нафар битириувчisi ишга жойлашиши учун тегишли тартибида йўлланмалар расмийлаштирилди.

Мана шундай имкониятлардан руҳланган ёшлар чукур билим олиш, ўзлари таъланган соҳани пухта эгаллаш учун астайдил ўқимокда. Жумладан, Ромитан қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар колледжидаги 654 нафар ўкувчи 10 йўналишда касб-

тўрт томонлама шартнома асосида ўз иш ўринларига эга бўлди. Шунингдек, 15 нафар ўкувчимиизга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар берилди. Мазкур маблаблар хисобидан улар қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга муносаби улуш қўшиш мақсадида ўз саъй-ҳаракатларини яратиб, мамлакатимиз ривожига муносаби ҳисса қўшишида мухим аҳамият касб-хунарни яратади.

Жондор саноат касб-хунар колледжida ҳам ёшларни мутахassisligiga мос иш билан таъминлаш борасида самарали фаоли-

хам кўнгли хотиржам. Айни пайдада битириувчиларимизнинг 385 нафари ўз иш ўринларига эга бўлди. Шунингдек, 15 нафар ўкувчимиизга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар берилди. Мазкур маблаблар хисобидан улар қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга муносаби улуш қўшиш мақсадида ўз саъай-ҳаракатларини яратиб, мамлакатимиз ривожига муносаби ҳисса қўшишида мухим аҳамият касб-

хунарни яратади. Юртимизда барча соҳалар қатори озиқ-овқат саноати ҳам жадал ривожланниб, тобора кенгайиб бора-яти. Табиити, бунинг натижасида билимли, маҳоратли мутахassislariga эҳтиёж ҳам ўз-ўзидан ортади. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, 2016-2017 ўкув йилида мазкур колледжга гўшт ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш техник-технологи, сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш техник-технологи, нон, макарон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш техник-технологи ихтисослиги бўйича 150 нафар ўкувчи қабул қилинди. Тумандаги "Бўстон-Назар" кени тармоқи фермер ҳўжалиги, "Жондор чашмаси" масъулиятни чекланган жамияти, "Жондор чинор чорва" фермер ҳўжалиги билан ўзасидан шартномалар тузилди. Шунингдек, туман марказида барпо этилаётган 100 ишчи ўрнига эга янги корхона ҳам бу борада коллек билан ҳамкорлик қўлиш истагида.

Мамлакатимизда колледж битириувчилари учун ўз тадбиркорлигини йўлга кўйиш борасида ҳам кенг имкониятлар яратилган. Ёшларга режа тузишдан тортиб, бизнесни юритишга бўлган барча жараёнларда ҳар томонлама кўмак берилмоқда, зарур микдорда сармоя ажратимоқда. Бу аъдана жорий йилда ҳам изчил давом этиб, вилоят тижорат банклари томонидан касб-хунар колледжлари битириувчиларига 20,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланган. Айни пайдада 281 нафар битириувчи 3 миллиард 444 миллион 400 минг сўм имтиёзли кредитлар олиб, ўз бизнес режаси асосида тадбиркорлик фаолиятини олиб бормоқда.

Юртимизда ёшларнинг жамиятидаги муносаби ўрнини топишига кўмаклашиш, иктиномий фаолиятини оширишга қаратилган бу каби саъай-ҳаракатлар натижасида минглаб хонадонлар фаровонлиги янада ортиб, дастурхонлар обод бўлаёттири. Энг мухими, аҳоли, хусусан, ёшлар қалбидан жамиядаги муайян касб-хунарни чукур эгаллаган мутахassisiga доим талаб борлигига ишонч ошмоқда.

Иродда ОРИПОВА,
"Ma'rifat" мухбари

Эртасидан кўнгли тўқ ёшлар

касб-хунар колледжидан ишлаб чиқариш корхонаси томон йўл олмоқда



Суратларда: Бухоро вилояти Жондор тумани қурилиш ва миллий хунармандлик колледжи фаолиятидан лавҳалар.

ЎзА суратлари.

битириувчиларга ана шундай имкониятни берди. Қатор мутасадди ташкилотлар, иш берувчи корхоналар, Бухоро давлат универсiteti, Бухоро давлат тиббиёт инститuti, Бухоро мұхандислик-технология инститuti, Тошкент ирригация ва мелиорация инститuti Бухоро филиали, Тошкент стоматология инститuti Бухоро филиали вакиллари, вилоятдаги 88 та академик лицей ва касб-хунар колледжларининг ўқитувчилини ташкилотларни таълим мактабларининг 9-синф ўкувчilari иштирок этган тадбирirda Малайзия технология университети ҳамда умумтаълим мактабларининг 9-синф ўкувчilari иштирок этган тадбирirda. Малайзия технология университети ҳамда Беларусь давлат университети ўқитувчilari ҳам ўз тақдимотини намойиш этди. Юкори савидия ўтказилган кўргазмада 142 та иш берувчи корхона ва ташкилотлар томонидан иштирокчilargarda 1488 бўш иш ўрни

хунар сирларини ўрганаяпти. Улкан орзу-мақсадларни юрагига туккан бу ёшларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд.

— Битириувчиларимизнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва уларни эгаллаган касби бўйича ишга жойлашириш борасида тумандаги ўнтаъирик корхона ва кўплаб фермер ҳўжаликлири билан ҳамкорлик ўрнатганмиз, — дейди касб-хунар колледжи директорининг касби таълим бўйича ўринbosari Жамшид Қаландаров. — Бу борада, айнича, "Шарофат инвест", "РомСТАРТ" ва "Имик текстстil" кўшиша корхоналари, "Нормурод-Дилшод" хусусий иссиқхона ҳўжалиги билан яқин ҳамкорлик йўлга кўйилган. Тузилган шартномаларга мувофиқ, иш билан таъминланishi кафолатлангани ўкувчilarning ҳам, ота-оналарнинг

ят йўлга кўйилган. Айни пайдада мазкур даргоҳда 1900 нафар йигит-қиз 16 йўналишда таҳсил олмоқда. Келгусида уларни ўзлари таъланган соҳалар бўйича иш билан таъминлаш мақсадида 212 та корхона билан ҳамкорлик шартномаларни тузилган. Жумладан, ўзбекистон почтаси Жондор тумани бўлими, Жондор пахта тозалаш заводи очиқ акциядорлик жамияти, "Евроснэр" масъулияти чекланган жамияти каби ташкилотлар томонидан ҳар йили ўнлаб битириувчilar ишга қабул қилинади.

— Жорий йилда колледжимизни 543 нафар ўкувчи тутгади, — дейди колледж директорининг касби таълим бўйича ўринbosari Собир Элов. — Тузилган шартномаларга мувофиқ, иш билан таъминланishi кафолатлангани ўкувчilarning ҳам, ота-оналарнинг

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Пойтахтимизда "Экомактаб" экологик-ресурс маркази томонидан "Атроф-мухит муҳофазасида қонунчиликнинг профилактик бузилиш талаблари ва СITES конвенцияси мажбуриятларини бажаришда кўмаклашиш" лойиҳаси доирасида янги ахборот маҳсулоти тақдимоти бўлиб ўтди.

Ушбу лойиҳа атроф-мухит муҳофазаси ва биологик хиломни ҳимоя қилишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўтасидаги ижтимоий ҳамкорликни янада ривожлантириша хизмат қўлмоқда.

Тадбирда мамлакатимизда мустақиллик йилларида экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий таъсири олдини олишга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди.

Лойиҳа доирасида тасвирий-кўргазмали қўлланма тайёрланди. Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридан Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошقا институтларини кўллаб-куватлаш жамоати фонди лойиҳаси асосида ишлаб чиқди. Уни тайёrlаща ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, Бутунжоҳон ёввойи табииатни асрар фонди, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиши давлат қўмитасининг етакчи мутахассислари иштирок этди.

❖ Андижон вилоятининг Марҳамат туманида "Ўз қасбининг моҳир эгаси" танловининг туман босқичи бўлиб ўтмокда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ташабуси билан ўтказилаётган танловда таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марҳамат туманинни кенгаши тасарруғидаги муассасаларнинг фаол, билим ва таҳрибасини ёш мутахассисларга ўргатиб келаётган ҳамда фаолияти давомида юқори натижаларга эришашётган вакиллари иштирок этди.

— Танловни ўтказишдан асосий мақсад, илгор таҳрибаларни оммалаштириш, намунали иш олиб бораётган мутахассислар фаолиятини кўллаб-куватлаш ва разбатлантиришdir, — дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марҳамат туманинни кенгаши Тоирхон Сарболова. — Бундай тадбирлар тизимдаги маънавий-маърифий ҳамда таълим-тарбия борасидаги ишлар сифати ва самарадорлигини юқсалтириш, соҳа ходимлари касб маҳоратини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

"Турон" ўқувчи-ёшлар ва ногиронлар ўкув ишлаб чиқариш маркази директори Ортиқали Ҳусанов, 31-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчиси Авазбек Собиров ва 16-мактабгача таълимни мавассасаси тарбиячиси Максуда Йўлдошева голиб деб топилди ва танловнинг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киришти.

"Энг яхши мураббий", "Энг яхши руҳшунос", "Энг яхши бухгалтер", "Энг яхши ошпаз" каби номинациялар бўйича ҳам голиблар аникланди.

❖ Бухорода "Ораста қизлар давраси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

"Софлом она ва бола йили" давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда танловнинг туман ва шаҳар босқичлари голибликни кўлга киришган жамоалар иштирок этди.

Танловда жамоалар мамлакатимизда жорий этилган 12 йиллик мажбурий таълим тизимининг аҳамияти, оила одоби, ёшларни "оммавий маданият" ва бошқа турли мағурувий таҳдидлардан асрар, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўтасидаги никоҳларнинг олдини олиш, хонадонда саранжом-саришталик каби долзарб мавзуларда ўз тақдимотини видеороликлар ҳамда бадиий саҳна кўринишлари орқали намойиш этди.

Ромитан туманининг "Оромитан" жамоаси голиб бўлди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

— Танлов "Ораста қизлар" тўғараклари фаолиятининг ўзига хос кўзгусига айланди, — дейди "Оромитан" жамоаси раҳбари Юлдуз Усмонова. — Бу тўғараклар ишини янада жонлантириш ва фаолият самарадорлигини оширишга хизмат килади.

ЎЗА ва маҳсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Муҳокамада — таълим тизими истиқболлари

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Мустақиллик йилларида Ўзбекистон таълим тизими: ислоҳотлар, ютуқ ва истиқболлар» мавзудаси республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда юртимиздаги қатор олий таълим муассасаларининг тадқиқотчи олимлари, профессор-ўқитувчилар ва ёш илмий изланувчилар иштирок этди.

Анжумандада сўзга чиқсанлар ёшларга яратилётган имкониятлар, барча соҳалар қатори илм-фан ва таълим тизимини янада токомиллаштириш, изчил ривожлантириши, пировардида, интеллектуал салоҳиятли ёш мутахассислар етишиб чиқишига замин яратадаётганини таъкидлади.

— Иқтидорли ва истеъдоли ёшларнинг таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларидан изланишлар олиб бориши, шу жумладан, ўқитиши, қайта тайёрлаша ва амалиёт ўтаси дастурларидан фойдаланишини таъминлаш, хорижий мамлакатлардаги илғор

тажрибалар билан танишиш, ёш олимларнинг истиқболли ишланмаларини амалиётта жорий этишга кўмаклашиш кадрлар салоҳиятини мунгизам ошириш омилидир, — дейди ЎзМУ илмий ишлар бўйича проектори вазифасини бажарувчи Акрам Тошпӯлатов. — Яқинда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» ги конунда ҳам илмий-тадқиқот, маданий-маърифий ишларни ўтказиш учун ёш мутахассис ва олимларга шарт-шароитлар яратиш каби нормалар ўз аксини топгани куонарли.

Илмий-амалий анжумандада «Табиий фанларнинг долзарб муаммолари», «Ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўзига хос жиҳатлари», «Устоз ва шогирд мактаби», «Физика-математика фанларининг замонавий тенденциялари» каби мавзуларда мърузалар тингланиб, амалий таклиф ва мулоҳазалар ўтрага ташланди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухабири

Одам савдоси — умр заволи

Ўртачирчик туманидаги агросаноат ва транспорт масб-хунар коллежида «Одам савдоси — давр муаммолици» мавзусида давра сұхбати ўтказилди.

Туман ҳоқимлиги томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда мавзияни тарбиботчилари, педагоглар, ўқувчилар ва маҳалла фаоллари иштирок этди. Унда сўзга чиқсанлар ўқувчиларни чет элда мўмай даромад топиш мақсадида алданби, одам савдосининг қурбонига айланни қолишининг олдини олиши хусусида тўхтадди, юртимиздаги таълим-тарбия

ва меҳнат қонунчилигининг афзаликларини таъкидлаб ўтдилар.

Хозирги кунда терроризм, гиёхвандлик каби глобал муаммолар қаторида турган одам савдоси дунё ҳамжамиятини ташвишлантираётгани рост. Ушбу тадбир ўқувчи-ёшлар шуурига ана шу иллатларнинг оқибатини ҳаётӣ мисоллар орқали етказиши баробаридан уларнинг гарази алдовлар домига тушиб қолишининг олдини олиш,

хуқуқий онги ва фуқаролик позициясини юксалтириш, ёшларга оид қонунчилигимизни көн тарғиб этишига қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Тадбир якунида ўқувчиларнинг буш вақтини мазмунли ташкил этиш, жумладан, ўрта маҳсус, масб-хунар таълими мусассалари битирувчиларни тадбиркорликда йўналтиришинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари бўйича саволларга мутахассислар атрофилча жавоб қайтарди.

Отабек ИСРОИЛОВ,
«Камолот» ЁИХ фаоли

«Кизиқарли география» тўғараги ўҒИЛ-ҚИЗЛАР БИЛИМИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА АСҚОТМОҚДА

География ва иқтисодий билим асослари фанлари ойлиги ўтказилаётган айни кунларда умумтаълим мактабларидан турли тадбирлар, очиқ дарслар, кўргазмалар ташкил этилмоқда.

Жумладан, Ҳалқ таълими вазирлигига тасарруғифодиги филология фанларига

ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ҳам айни жаён авжиди. Мак-

табининг география фани ўқитувчиси Барно Халиловда фан ойлиги доирасида кўпгина қизиқарли тадбирлар, очиқ дарслар ўтказди. Интерфаол усусларда олиб борилган география дарслари ўқувчиларда катта қизиқиш ўйготиш билан бирга, фанга оид билимларини бойитди.

Мактабда «Кизиқарли география» тўғараги ташкил этилган бўлиб, машгулотларда ўғил-қизлар фан сирларини ўзлаштирайти. Фан ойлиги муносабати билан ўтказилаётган беллашувлар ҳам ўқувчиларнинг эгаллаган билим ва қўнималарини мустаҳкамлашда асқотмоқда.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.



БУЮК МАҚСАДЛАРГА УНДОВЧИ МАСКАН

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Алишер Навоий йили деб эълон қилинган 1991 йил юртимиз, элизим тарихида кутлуг келганди. Шу йили халқимизнинг асрий орзу-умидлари ушалди — Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигини кўлга киритди.

1991 йили бутун республикамиз бўйлаб бу кутлуг тўйга катта тайёргарлик кўриди: курувчilar тўртбеш ойда тўрт-беш йиллик улкан ишни адо этди — Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ва буюк шоирнинг муazzam ҳайкални кад ростлади; юбилей муносабати билан эсадлик танглар зарб қилинib, мумомлагла гирифчилик...

Хўш, ана шундай фоят мурракаб, оғир ва қалтис бир паллада Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов шунча сиёсий-иктисодий масалаларга ечим топиш билан бир каторда нега айнан Алишер Навоий номини абдийлаштиришга кириши? Биринчи Президентимиз ҳар соатда, ҳар дақиқада бир муаммо юз берадиган пайдада халқимизни нега айнан Навоий рухини шод қилишга чорлади? Президентимизнинг бир неча бор Алишер Навоий ҳайкали ясаладиган устахонага ташриф бўюриб, бу борада тавсиялар беришидан, Миллий боғни барпо қилишу Навоий ҳайкалини ўрнатиш, ҳатто монумент устига миллий меъморлик услубида гумбаз ёпиш ва унда буюк шоирнинг ҳикматини мангу муҳрлашга қадар эътибор беришидан мурод-максад нима эди?

Бугун — орадан чорак аср ўтиб, факат буюк инсонлар хаётида, айнан Холоскор қаҳрамонлар фаоли-

ятида намоён бўладиган бундай мурракаб саволларга бир қадар жавоб топгандекмиз: миллат руҳини тўқтармасдан, ғурурни тикламасдан, ҳалқ онги-дунё қарашини ўзгартирмасдан туриб, ҳаётни ўзгартириб бўлмасди.

— Ўша 1991 йил 28 сентябрьда ҳәйтимдаги энг бахтили кунлардан бири эди, — деб эслайди Ўзбекистон ҳалқ рассоми Б.Жалолов.

— Ўшанда ҳали тонг отмай Миллий бокса одамлар дарёдек оқиб кела бошлади. Чунки бу тўй миллат байрами, қадриятларимизни яна бир бор улуғлайдиган кутлуг айём эди. Навоий газаллари билан айтиладиган кўшиклар ижро этилганда, одамлар сел бўлиб тинглаганин ҳозир ҳам кўз олдимда. Ўзбек урф-одатига кўра, ҳалққа ош тортилди. Сўнг сайил бошланди. Алишер Навоий ҳайкали очилганда улуғ бобокалонимизнинг нуроний чехрасига бокиб, кўзига ёш олганлар қанча бўлди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг нутқини ҳаяжон билан тинглаганимиз... Биласизми, ўша куни халқимизнинг катта йўлга чиқиб олиши, мустақиллигимизни мустахкамлаш учун жуда залворли қадам кўйилган. Шулар каторида шахсан мен ижодимда асл миллий йўлни ўзим учун белгилаб олганман.

...Миллий боғ бағрида хассасига таяниб, сизга ўйчан бокиб турган Алишер Навоий ҳайкали томон борарканси, мажнунтоллар буюк шоирга салом берib тургандек туюлади. Яшилик кўнгилни тўлиқтиради. Савлатли дарахтлар мутафаккир атрофини ихота қилиб тургандек. Монументни ишлашда саккиз кирра элементидан кўп фойдалана-

нилгани ҳам диккатни тортади. Бу — миллий жисплик рамзи. Сўнг гумбазга бошдан дўлти тушгудай қараемиз, ўқимиз:

Олам ахли, билингизгиким, иш эмас душманлиг,

Ёр ўлинг бир-билингизгаким, ээрў ёрлиг иш.

Инсониятни бир-билига дўст-ҳамроҳ бўлишига чорлаган Алишер Навоий ҳам, шоирнинг шунча байтуғазали орасидан айнан шу ҳикматни танлаб, ўзбек, рус, инглиз ва араб тилларида нақшининг эттирган Ислом Каримов ҳам бир умр ягона буюк умумбашарий ғоя-максад — тинчлик учун курашди. Шу улуғ йўлда ўзларини аямади, қачон ва қаерда халқимиз учун бирор хавф пайдо бўлса, кўксиларини қалқон қилди.

— Кўп ўйлайман: нима учун Биринчи Президентимиз Ислом Каримов мустақиллик асосини, миллий ғоя ўзагини айнан Алишер Навоий меросига bogлади? Назаримда, уларнинг орзу-умидлари муштарак бўлган, — дейди Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университете ректори, профессор Шуҳрат Сирожиддинов. — Бу икки тарихий шахс инсоний ғоялар ижодкори, илм-фан, маданият ва ижод хомийси, ҳалқларвар, мамлакат равнаки учун курашчи сифатида инсоният тарихидан мангу жой олишга муносиб. Алишер Навоий бир умр ўзбек тилининг дунёда ўз ўрнини топши ўйлида курашган. Ислом Каримов ҳам Ўзбекистон раҳбари бўлгача, дастлабки килган буюк ишларидан бири — ўзбек тилига давлат тили мақомини бериши бўлди. Меркурий планетасидаги кратерлардан бири ҳам буюк мутафаккир номи билан атади. Бу-ларнинг барчаси улуғ

нинг сўнгги улуғ ислоҳотларидан бири ҳам миллат руҳи — она тилимиз ва адабиётимизни тараққий эттиришга хизмат қиласидан алоҳида университет ташкил этишига оид бўлди. Бугун биз айнан Алишер Навоий орзу қилган, Ислом Каримовнинг улуғ кураши хосиласи бўлган осоишта ҳаёт, обод турмуш, юксак маънавият ва тараққиётдан баҳрамандмиз. Бу кунларнинг янада бўлишига, бу буюк ишларнинг муносабати давом этишига хисса кўшиши барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Ҳа, мустақиллик силсиласида Алишер Навоий ижоди маънавият, дид ва эътиқод фалсафаси сифатида қадр ва эъзоз топмоқда: Алишер Навоийнинг 20 жилдлик мукаммал, 10 жилдлик тўла асарлар тўплами нашр этилди, улар таълимнинг барча бўғинида ўрганилмоқда. Юртимиз вилоятларидан бирига, мамлакатимизнинг асосий кутубхонасига, театрлар, олий тавлим муассасаси, катор маҳаллалар, кўчалару хиёбонларга улуғ бобомизнинг номи берилган. Адабиёта, ижодкор маънавий меросига бундай юксак ҳурмат-эътиборни дунёнинг бошқа мамлакатлари учратиш кийин.

Айни вактда кўплаб ҳориж мамлакатларидан шоир асарлари турли тилларда нашр этилмоқда, бадиий ва иммий меросини ўрганишга бағишиланган ҳалқаро конференциялар ўтказилмоқда. Токио, Москва, Боку каби шаҳарларда Навоий бобомизнинг муazzam ҳайкаллари қад ростлаб турибди. Меркурий планетасидаги кратерлардан бири ҳам буюк мутафаккир номи билан атади. Бу-ларнинг барчаси улуғ

шоир асарлари нафақат ўзбек халқининг, балки бутун инсониятнинг маънавий мероси эканидан далолатdir.

...Миллий боғ ва у ердаги Алишер Навоий ҳайкали ҳамиша зиёратчилар билан гавжум.

— Ҳар сафар Тошкентга келсан, Навоий бобони зиёрат қилмай кетмайман, бугун ҳам, мана, неварам Иродахонга шоир бобосини бир кўрсатай, деб олиб келдим, — дейди Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги «Зарабоғ» қишлоқ врачлик пунктни ҳамисирава Гуландом Саидова. — Шу бокқа келсан, қандайдир бир руҳи қувват оламан, кўнглим таскин топади. Ҳар гал шундай анвойи гуллару кўрким дарахтларни парвариши қилиб, саранжом-сарыштилники сақлаётганларга раҳмат айтаман.

Тонги зиёратдан ортга қайтарканмиз, борлиғимизда бир руҳий тозариши хис қилгандай бўламиш. Беихтиёр ўша тарихий кун — 1991 йил 28 сентябрьда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов айтган буюк даъват онг-қалбимизда жаранг соғандай бўлади: «...бутун халқимизни доим бирдамлика, бир-билига ҳамнафас ва ҳамдard бўлишига қафирган улуғ бобокалонимиз сиймоси олдиди, келинглар, бир-билингизга сўз берайлик: озодлик ва Истиқолой ўйлида, бу эъзгу ниятларни ҳәйтимизга амалий татбиқ этишида бир жон, бир тан бўлайлик! Ҳеч қачон танлашган йўлини издан қайтмайлик! Агар халқимиз жиспашса, хоших-иродамиз бир бўлса, бизларни хеч кандай куч енголмайди!».

**Умид ЁКУБОВ,
ЎзА шархловчиси
А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)
олган сурат.**



1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

Жонкуяр педагог Дилдора Комилова Жиззах шаҳридаги 12-умумтаълим мактабида кимё фанидан сабоқ беради.

Ёш муаллима ўкув жараёнида илгор педагогик технологиялар, дарсга оид янгиликлардан самарали фойдаланади. Фани чукур ўзлаштираётган ўкувчилари фан олимпиадаси ва билимлар беллашувларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. 2015-2016 ўкув йилида шогирди Лайло Нурматова фан олимпиадасининг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллади.

Муаллима 2011 йили “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танловининг республика босқичида иккинчи ўринга сазовор бўлган.

Суратда: Жиззах шаҳридаги 12-умумтаълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси Дилдора Комилова ўкувчилари билан.

ЎзА фотомухбири
Шерзод НАЗАРОВ олган сурат.

МТМда элементар математик тушунчаларни шакллантириши машгулотларида болаларга сон ва саноқ, киттаплик, геометрик шакллар, теварак-атрофда мўлжал олиш ва вақти чамалаши ўргатилиди. "Болажон" таянч дастурида теварак-атрофда мўлжал олишга ўргатилиши бўлими билан тиништириши кичик ёшдан бошланниши белгиланган. Аслида илк ёшдаёт, яъни уч ёшгача бўлган болаларда атроф-муҳитида мўлжал олиш (үйхона, хонасида, буюмлар орасида) бўйича тажриба тўпланиди. Кичик ёшдаги болалар киттапларга бемалол кўзи, оғзи, бўрни, бошини кўрсата олади, ўнг ва чап қўлларини фарқлайди. Кичик гурухларда мўлжал олиш борасидаги дастлабки вазифа кичконтойларни "ўзига нисбатан ўнг, чап, юқори томон" ларни ажратиши, "ўзига" ва "ўзидан" мўлжал олишга ўргатишдан иборат.

Кичконтойларга бу тушунчаларни ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Йўналишларни фарқлаш (олд-орқа, юқори-паст, ўнг-чап) болаларга гавдасининг томонларини кўрсатиши орқали тушунирилади. Бу визифа кундалик турмушда (ювениш, кийиниш жараённида), математика машгулотларида, "Кўғирчоқни ухлатамиз", "Кўғирчоқни оқватлантитамиз", "Кўғирчоқни саёхатга олиб чиқамиз" каби дидактик

нисбатан жойлашганлигини тасаввур килишлари керак. Бу мазмун элементар математик тасаввурларни шакллантиришига багишиланган машгулотларда дидактик воситалар, ўйинлар ва машшлар ёрдамида рўёбга чиқарилади.

Болаларни атрофдаги буюмларни ўзига нисбатан жойлашганлигини элементар тасаввур килишга ва уни сўз билан ифодалашга (олдинда-орқада, тепада-пастда, ўнгда-чапда, узоқда-якин-

Metodik tavsiya

раёни, ўзлигини англаш, ижтимоий социумда ўзини кўрсата олиш малакалари шаклланганни учун яқинлари ва бариндошларининг кечинмаларига бефарқ эмас, уларга меҳр-шафқат кўрсата олади.

• Тарбияланувчи расмга қараб қараб ҳикоя қилиб бераяти. Индикатор: нутк ўқиш ва саводга тайёрларлик малакалари шаклланапти.

Катта гурухда болалар қоғозда мўлжал олишга ўргатилиди. Тарбиячи болаларга буюмни кўрсатилиган ўйналишда коғоз варагининг тепа, паст, чап, ўнга кимсига жойлаштириши ўргатади. Масалан, болаларга расм машгулотида ўз уйини тасвирилаш топшириби берилаган. Математика машгулотида тасвириланган уйнинг қаерида нима жойлашганини гапириб бериш таклиф қилинади. Бола топширикни бажаргандан сўнг ҳар бир буюмнинг варакдаги ҳолати-

Orfografik tahlil

imloviy malakani shakllantirishga ko'maklashadi

O'quvchilarning imloviy savodxonligini shakllantirish boshlang'ich ta'limning asosiy vazifalaridan biri. Chunki o'quvchi imlo qoidasini tushunib, uni amalga tatiq etgungan qadar muayyan ma'noda mantiqiy fikrlab, o'ylanib, to'g'ri xulosa chiqargan holda xatosiz yoza oladi.

Imloviy malakani shakllantirishda qo'llaniladigan mashqlarning birinchisi orfografik tahlil hisoblanadi. Jarangli va jarangsiz undoshlar, harf birikmlari, so'z ichida yonma-yon keladigan undoshlar, talafuzdu tushib qoladigan undoshlar, bosh harflarni qo'llash haqidagi tushunchalar ustida ishlashda orfografik tahlilining ayrim turlarini o'tkazish samarali natija beradi. Orfografik tahlilning

Ilg'or tajriba

fonetik-grafik tahlil, morfologik-orfografik tahlil, shuningdek, leksik-orfografik tahlil turlari bo'lib, ularni o'tkazishda turli variantlardan foydalanish mumkin.

Fonetik-grafik tahlilda so'z ichidagi tovush bilan harf qiyoslanadi. O'quvchilar o'qituvchi namunasini asosida so'zlarni quyidagicha tahlil qiladilar:

Lochin – 6 ta harf, 5 ta tovush;
Ishchi – 6 ta harf, 4 ta tovush;
Mushuk – 6 ta harf, 5 ta tovush;
Jangchi – 7 ta harf, 5 ta tovush.

Bu tahlilni o'tkazishda so'zlar lug'at

diktanti tarzida o'qituvchi tomonidan

aytib berilishi, yozma tarqatilishi yoki

doskada ikki variantda yozib qo'yilishi

mumkin.

"Aytilyishida tushib qoladigan

undoshlar" mavzusi bo'yicha esa

quyidagicha mashg'ulot o'tkazish

masqadga muvofiq:

O'qituvchi lug'at diktanti o'tkazadi.

Diktant so'zlaridagi t va d tovushlarini tushirib qoldiradi, o'quvchilar kerakli harfni qo'yib, o'sha harfni doira ichiga olib ketadilar:

Xursan... darax... payvan...

Balan... farzan... poxtax...

"So'z ichida ketma-ket kelgan bir xil undoshlar" mavzusi bo'yicha o'tkaziladigan tahlilda o'quvchilarga turli variantlarda so'zlar tarqatilish yoki lug'at

diktanti aytilib turib yozdiriladi, yozdirish davomida o'quvchilar ketma-ket kelgan

undoshlar orasida "-" (chiziqcha)

belgisini qo'yib yozadilar.

Kat-ta, lat-ta, mal-la, g'al-la, ar-ra, mar-ra va hokazo.

Imloga o'rgatishda morfologik va

leksik-orfografik tahlillar ham yaxshi

natija beradi.

O'qituvchi shuni unutmasisligi lozimki, o'quvchilardan mustahkam imloviy malaka shakllanmasa, u asta-sekinlik bilan tushunchalarga befarq bo'la boshlaydi va mantiqiy fikrashdan uzoqlashib boradi. Natijada uning xulqida va dunyoqarashida salbiy belgilari ko'payaveradi. Har bir imloviy xato ortida esa insondagi muayyan kamchilik yotadi.

X va **h** tovushlarini farqlamaslik inson xotirasidagi muayyan kamchilikni aks ettiradi, yozuvda ayrim harflarni tashlab ketish shoshqaloqlik va biror ishni bajarishda o'yamaslik kabi nuqsonlarni keltirib chiqaradi.

Q.YUNUSOV,

Andijon viloyati XTKQTMOI

o'qituvchisi

Теварак-атрофда мўлжал олишга ўргатиш

МТМда тизимли амалга оширилиши зарур

ўйниларда амалга оширилади.

Мисол учун, болаларни ўнг-чапни, тепа-пастни фарқлашга, орқада-олдинда сўзларини тўғри кўлашга ўргатадиган машгулотни кўйидагича ташкиллаштириш мумкин. Бола танасининг олди ва орка томони тасвириланган рангли иллюстрация ёки кўғирчоқ ёрдамида тарбиячи бола номидан гапидари:

— Ассалому алайкум, болалар. Мен — дўстингиз Жаҳонгирман. Мен гавда кисмларини ва ўзимга нисбатан томонларни, яъни: олди томон, орка томон, чап, ўнг, тепа, паст кабиларнинг қаерда жойлашганини биламан. Бошим тепада. Бошимнинг олди томонида сочларим бор. Кўкрагим, корним, киндигим, оёқ тиззалирим танамнинг олди тарафида жойлашган. Мана бу менинг ўнг кўлум, буниси эса чап кўлум. Бу менинг ўнг оёғим, буниси эса чап оёғим. Ойнага орқам билан туриб унда, бошимни орка тарафида сочларини кўраяпман, пастрофида кўл тирслакларини, белимни, оёқ тўпикларини кўраяпман. Тана аъзоларимнинг номларини ҳам биламан. Сиз-чи, сиз ўнг ўз гавданнига нисбатан томонларни ва уларнинг номланишини биласизми? Унда айтиб беринг-чи?..

Машгулут жараёнида тарбиячи кичконтойларга кўғирчоқнинг босини, юзини, сўнгра ўзининг юзи, боши ва бошқа аъзолари қаердалигини кўрсатишини сўрайди, шу билан бирга ўз гавдасининг аниқ кисмларига мос равишда фазовий йўналишни олишни ўргатади.

Дастурда ўрта гурухларда болаларни теварак-атрофда мўлжал олиш бўйимига мос равишда болаларга ўзига нисбатан йўналишни аниқлашни ва ҳаракат қилишни (одига-орқада, тепага-пастга, ўнга-чапга), буюмларнинг ўзига нисбатан ҳолатини сўзлар билан ифодалашга ўргатиш вазифалари кирилтилган. Ўрта гурухда болалар кўпроқ теварак-атрофда мўлжал олишлари ва буюмларнинг ўзига

да) ўргатишида "Менинг оиласм" машгулоти самаралиди.

Машгулутда ёзи бир бола оила расмiga қараб ҳикоя қилади:

— Бу менинг оиласм. Суратда бувам, бувим, дадам, онам, мен, синглим ва укам. Бувам ва бувим ўнг томонда, дадам ва онам чап томонда, суратнинг олди томонида мен, синглим ва укам турибиз. Синглим Ситора доимо югуриб юради, сал инжирок, укам Жамол эса жуда ширин бола. У менга жуда мөрибон. Синглим жигимга кўп тегса ҳам, жаҳлим чиқмайди. Ахир улар ҳали кичкина-ку. Умуман олганда, биз жуда ахил яшаймиз.

МТМда болалар тўрт йўналиши — жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена, ижтимоий-хиссий ривожланиш, нутк ўзиш ва саводга тайёрларлик, атроф олам тўғрисидаги билимларга эга бўлиш йўналишида мактаб таълимига тайёрларни. Тарбиячи машгулутда шу тўрт йўналишини камраб олса, тарбияланувчилар тўлақонли ривожланиди. Барча машгулутлар таҳлилида 3—5 ёшгача болаларнинг ривожланишнинг кўрсатичлари берилган индикаторларга мослигини ўрганиб чиқиш муҳим. Келинг, юқоридаги машгулутни таҳлил қилимиз:

* * * Бола фикри: Бувам ва бувим ўнг томонда, дадам ва онам чап томонда, суратнинг олди томонида мен, синглим ва укам турибиз. Индикатор: билиш жараёни — бола ёзи бу буюмнинг ўзига нисбатан жойлашувини сўз билан ифодалай олади, "яқин-узоq", "орка-олд", "тепа-паст", "ўнг-чап" сўзларини тушунади.

* * * Бола фикри: Синглим Ситора доимо югуриб юради, сал инжирок, укам Жамол эса жуда ширин бола. У менга жуда мөрибон. Синглим жигимга кўп тегса ҳам, жаҳлим чиқмайди. Ахир улар ҳали кичкина-ку. Умуман олганда, биз жуда ахил яшаймиз. Индикатор: ижтимоий-хиссий ривожланиш жа-

ни белгilaш учун сўзларни тўғри ишlatishiغا ўргatiladi.

Масалан: бу бизнинг уйимиз. Уйимиз катта, чап томонда катта межмонхонамиз жойлашган, ўнг томонда эса ювениш хонаси бор. Межмонхонанини олди томонида ўзга киравериши хонаси хисобланади, орқасида эса ошона жойлашган. Фақат у бу расмда кўринмаяти. Ўйнинг чап томонидаги хонада бувам ва бувам да олиб ўтиришади, ўнг томонида эса ёткоҳона бор. Томда эса мўри бор. Мен ўз уйимни ва оиласми жуда яхши кўраман. Сен-чи?

Кўриб чиқканимиздек, болалар буюмлар орасидаги фазовий мусносабатларни фарқлашни кичик ва ўрта гурухда ўрганишиади. Катта гурухда бу билимлар кенгайтирилади ва тизимлаштирилади. Фазовий тушунчаларни ривожлантиришда кўйидаги ўйнилар тасвия этилади: "Ким тўғри?", "Нима ўзгарили?", "Нима қаерда жойлашган?", "Худди шундай нақш чизинг?", "Бир қатор бўлиб сафда туринг?", "Қаерга бориб, нима топсан?", "Ким топкир ва удабурон?", "Ким зийрак?", "Олдинга-орқага", "Ким қаерга кетди?". "Жуфтини то-

пинги".

Шу ўйнилар ёрдамида машгулутлар ташкил этилса, мактабгача ёшдаги болалар таълими ва ривожланишистандартларини амалга оширган бўлими. Натижада болаларда теварак-атрофда мўлжал олиш, нарсаларни ўнг кўл билан чапдан ўнга қараб териш кўнинмаси шаклланади. У ёзи бу предметни ўзига нисбатан жойлашувини сўз билан ифодалай олади. Бундай малакага эга бўлган болалар мактабда ўқишига қўйналмайди ва математика, геометрия фанларини ўзлаштириши осон кечади.

Дилбар КАРИМОВА,
Тошкент педагогика коллежи
Ўқитувчиси,
Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси




ГАНДОР

1-oktabr – O'qituvchi va murabbiylar kuni

Муаллима машгулотга шоаркан, хаёлан бугунги мавзуни мультимедиа материалларидан фойдаланган ҳолда тушунтириши, дарсдан сўнг тортичкоқ ўкувчи Жамишд билан қўшимча шуғулланиши ҳақида ўлади. Аммо уни синфа нима кутаётганидан бехабар эди. Инглиз тили хонасига қадам қўйиб юнга ранг-баранг дегатлар, кўргазмали воситалар билан байрамона безатилганидан лол қолди. Ўкувчилар жўр бўлиб, "If you happy" ("Бахтли бўлай дессангиз...") қўшигини кўйлар эди. "Кичкина устоз" вазифасидаги билимдон ўғил-қизлар ўқитувчи ва мураббиylар куни муносабати билан байрамона ҳисобот дарсни режалаштирганини айтиб, устозини машгулотни тинглаш учун стулага тақлиф этишиди. Чет тилини ўрганишига қизиқши катта бўлган бегубор болажонларнинг шу вақтгача нималарни ўрганинни намоён этувчи ҳисобот дарси айём арафасида Сайёра Тожиевага кутимаган тухфа бўлди.

«Кичкина ўқитувчи»нинг дарси

Устозини хушнуд этди



Бу зуқко ўғил-қизлар Юну-сабод туманинаги 17-мактабнинг 4-синф ўкувчилари. Улар машгулотта байрамона шеър-қўшиқ ва методик ўйинлар асосида бир неча кун тайёргарлик кўришган. Машгулот инглиз тили ўқитувчиси Сайёра Тожиеванинг тажрибалари ва сўзлашув усусларига тақлидан бошланди. Яни, ашула-ни кўйлашада кўн ва бармоклар, бош оҳангга мос ҳара-катланади. Аслида диккатни жамлаш ва чет тили мухитини яратиш учун 5—10 дакика зарурлиги, мушаклар ҳара-катга келадиган кўшиқдан

кейин фикр жамланиб, мия фаол ишлашини ўкувчилар устозидан кўп эшитишган. Ана шунду дарс даромадиа болаларнинг кон айланishi тизими яхшиланиб, янги маълумотларни тез илгад олишади.

"Кичкина устоз" вазифасини ўтаётган қизалоқ Фозила Эркинова аввали дарсда ўтилган "Time and o'clock" — "Вақт ва соат" мавзусини тақрорлашда болаларни уч гурухга ахратган ҳолда "Mr. Bear" ("Жаноб айик") ўйинидан фойдаланганни жуда кизиқарли кечди. Фозила Жамишдан ўрмонда ухлаб

